



Л.Р. Мўминова

АУТИЗМ СИНДРОМИ,
УНИНГ САБАБЛАРИ,
ТУРЛАРИ ВА БАРТАРАФ
ЭТИШ МЕТОДИКАЛАРИ



**РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ**

Мўминова Л.Р.

АУТИЗМ САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ МЕТОДИКАЛАРИ

услубий қўлланма

УЎК: 616.89

КБК: 74.3

M99

Мўминова Л. Р. Аутизм синдроми, унинг сабаблари, турлари ва барта-
раф этиш методикалари [Матн]: услубий қўлланма / Л. Р. Мўминова. – Тош-
кент: Spectrum Media Group, 2015. – 40 б.

ISBN 978-9943-4575-8-4

УЎК: 616.89

КБК: 74.3

Қўлланмада аутизм ҳақида тушунча берилди, унинг сабаблари кўриб
чиқилди, турли адабиётларда келтирилган методикалар тўпланди ва тав-
сифлари берилди.

Ушбу қўлланма ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техноло-
гияларни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Республика болалар ижтимо-
ий мослашуви маркази Ахборот-консалтинг хизмати шароитида ногирон-
ликка эга ҳамда психожисмоний имконияти чекланган болаларга мақсадли
йўналтирилган мажмуавий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш» номли
давлат рўйхатидаги шифри А-10-001 рақамли грант лойиҳаси доирасида
тайёрланди.

Такризчилар: Д.А. Нуркельдиева, педагогика фанлари номзоди, доцент
Я.Е. Чичерина, педагогика фанлари номзоди

*Қўлланма Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Илмий-ус-
лубий кенгашининг 2015 йил 9 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга
тавсия этилди*

ISBN 978-9943-4575-8-4

© Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, 2015.

© Л. Мўминова, 2015.

КИРИШ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар кучли ижтимоий ҳимояга йўналтирилгандир. Бу жараёнда жисмоний имконияти турлича бўлган ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши учун тенг ва мақбул шароитларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва ижтимоий ҳимоясига қаратилаётган доимий эътибор эҳтиёжманд ногиронларни моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу каби кенг имкониятлар ва шароитлар жисмоний, ижтимоий имкониятидан қатъи назар, барча болаларнинг тўлақонли ва пухта таълим-тарбия олиши йўлида Президентимиз Ислом Каримов томонидан кўрсатилаётган юксак меҳр ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълум қилишларича, ривожланишида нуқсони мавжуд болаларнинг умумий ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиши ва жамият ҳаётига интеграциялашуви давлатимизнинг доимий эътиборидаги масалалардандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», шунингдек, мактабгача тарбия ва бошланғич мактаб концепцияларида таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ таълим йилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда бу борадаги ислохотларни қўйи босқичдан бошлаш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Таълим тизимининг самарадорлигига эса ўқитишдаги илғор усулларни аниқлаш ва мактабгача ёшдаги болаларни бошланғич таълимга тайёрлаш муаммосини тўғри ҳал этиш орқали эришиш мумкин. Айниқса, аутизм

синдромига эга бўлган болаларни ўқитишнинг самарали усулларини амалиётга татбиқ этиш соҳа мутахассислари олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Шунга боғлиқ равишда аутизм синдромига эга бўлган болаларнинг психик ривожланишини ҳар томонлама ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Махсус адабиётларда аутизм синдромига эга бўлган болаларнинг нуқсонлари ва қўпол бузилишларига қарамасдан, уларнинг нормал тенгдошлари билан қиёслаганда анча кеч ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирилган (Л. Каннер, Г. Аспергер, С.С. Мнухин, Л. Уинг, Э. Орниц, К. Джиллберг ва бошқалар).

Аутизмга эга бўлган болалар меъёрида ривожланаётган тенгдошларига нисбатан ривожланишда ўзига хос хусусиятларга эга.

Аутизмга эга бўлган болалар ривожланишдан орқада қолиш, нутқнинг алоқа қилиш вазифасини бажара олмаслиги сабабли оммавий мактабда таълим ололмаслиги билан ажралиб турадилар.

Республикамизда аутизм синдромига эга бўлган болалар учун махсус муассасалар йўқлиги, услубий адабиётлар етарли ишлаб чиқилмаганлиги, махсус ташкил этилган коррекцион ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Аутизм муаммоси муҳим муаммолардан бири сифатида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан «Рухий соғлиқ йили» деб номланган 2001 йилнинг ўзидаёқ эътироф этилган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йил 2 апрел «Аутизм муаммоси» ҳақида маълумотни тарқатиш Халқаро куни деб қабул қилинган бўлиб, шу вақтдан бошлаб бу кун хорижда, 2013 йилдан бошлаб эса Республикамизда ҳам нишонланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда бутунжаҳон ҳамжамиятини, тиббиёт ходимлари ва олимларини ўйлантириб келаётган муаммолардан бири аутизм хасталиги сонининг кундан-кунга ортиб бораётганлигидир.

Муаммонинг ижтимоий моҳияти, назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлигидан келиб чиққан ҳолда

биз қўлланма мавзусини «Аутизм: унинг сабаблари, турлари ва баргараф этиш методикалари» деб белгиладик.

Қўлланмада аутизм ҳақида тушунча, унинг сабаблари кўриб чиқилди, турли адабиётларда келтирилган методикалар тўпланди ва тавсифлари берилди.

Қўлланма аутизм нуқсига эга бўлган болалар билан ишлайдиган мутахассислар учун мўлжалланган.

I БЎЛИМ. АУТИЗМ ВА УНИНГ БОЛА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

1.1. Аутизм синдроми ҳақида тушунча

Ушбу касалликнинг долзарблиги Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2001 йилданоқ алоҳида ажратиб кўрсатилиб, шу йилнинг ўзида «Психик саломатлик йили» деб эълон қилинган. 2008 йил Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2 апрель Халқаро аутизм муаммоси тўғрисида ахборотларни тарқатиш куни деб эълон қилиниб, шундан буён ҳар йили нишонланиб келади.

2015 йил 25-27 март ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Аутизм: инновацион ёндошувлар ва ҳаракат стратегияси» номи II Халқаро илмий-амалий конференция ишида Россия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Исроил ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастури вакиллари, тиббиёт ходимлари, амалий шифокорлар, аутизм ташхиси бўлган болалар билан иш олиб борадиган педагоглар, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, ривожланишида алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «*Sen yolg'iz emassan*» республика болалар жамоатчилик жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Лола Каримова-Тиллаева ўз чиқишларида давлат ва бошқа идорага оид тузилмалар ўртасида аутизм муаммосини ҳал этишга доир ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурияти ҳақидаги амалий таклиф ва тавсияларни берди.

ЭБА синдроми номи илк бора 1943 йилда Л. Каннер томонидан тавсифланган. Каннердан ташқари мазкур синдром Г. Аспергер томонидан 1944 йилда ҳамда С. Мнухин томонидан 1947 йилда тавсифлаб берилган эди. Булардан ташқари яна Л. Уинг, Э. Орниц, К. Джиллберг ва бошқалар ҳам ЭБА муаммоси билан шуғулланганлар. Эрта болалик аутизми бор болаларни тарбиялаш, улар билан коррекцион ишларни олиб

боришнинг муҳимлиги, аутистик белгилар пайдо бўлишининг сабабларини тушуниш, бундай болаларни тарбиялашда ота-онанинг роли ҳақида маълумотлар йиғиш, коррекцион таъсирга эга бўлган методикаларни ўрганиш мазкур битирув ишимизнинг бош мақсад ва вазифаларидир.

Биз адабиётлардаги аутизм синдроми ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, натижаларни 1-жадвалда қиёсий жиҳатдан келтирдик. Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, бу касалликка ҳар бир муаллиф ўзича ёндошиб, уни ҳар хил талқин қилган.

Илмий адабиётларда аутизм синдроми ҳақидаги таърифлар

1-жадвал

№	Муаллифлар	Эрта болалар аутизмнинг таърифи
1	Француз тадқиқотчиси Ж.М. Итар (1828)	«Интеллектуал мутизм» деб номлади ва бу билан аутизмнинг асосий белгиларидан бири – бузилган интеллектда нутқнинг ривожланмаганлиги ёки орқада қолишини ажратиб кўрсатди.
2	Э. Блейлер (1912)	Фанга «аутизм» терминини киритди ва унга кишининг эмоционал эҳтиёжлари томонидан бошқариладиган ва реал воқеликка боғлиқ бўлмаган тафаккурнинг ўзига хос кўриниши сифатида таъриф берди.
3	Л. Каннер (1943)	ЭБА – мулокот (нутқ, моторика)нинг бузилиши билан кечадиган алоҳида ҳолат бўлиб, у «шизофреник спектр» деб аталмиш ҳолатлар қаторига киради.
4	К.С. Лебединская	Реалликдан узилиш, ўзидан узоқлашиш, ташқи таассуротларга нисбатан реакцияларнинг йўқлиги ёки қарама-қаршилиги, муҳит билан алоқаларда лоқайдлик ёки ўта таъсирчанлик.

5	Аспергер (1944)	Уларнинг IQ савияси умуман олганда жуда паст бўлмаган ҳолларда ҳам, барибир улар «ақлан қолоқлар»дек таассурот қолдирадилар. Бироқ шундай одамлар борки, ўхшашлик бўйича аутистлар деб аталиши мумкин бўлса-да, аммо ақлий қолоқлардек таассурот қолдирмайди, уларда айрим малакаларнинг юқори даражада ривожлангани коммуникация, ижтимоий хулқ-атвор ва тасаввур тақчиллигидан кўра кишини кўпроқ ҳайратга солади. Хусусан, уларнинг вербал коммуникацияси анча яхши ривожланган. Аспергер аутизмни «аутик психопатия» деб атади.
6	И.И. Мамайчук	«Бузилган ривожланиш дизонтогенезнинг шундай турики, унда умумий психик ривожланмаганликнинг мураккаб бирикмалари, алоҳида психик функцияларнинг бузилган ва тезлашган ривожланиши кузатилади. Бу сифат жиҳатдан янги патологик ҳосилаларни келтириб чиқаради. Эрта болалар аутизми ушбу дизонтогенез турининг клиник вариантларидан биридир.
7	О.С. Никольская	Аутизм деганда, одатда, кенг маънода кескин намоён бўладиган одамовилик, мулоқотлардан қочишга интилиш, ўз оламида яшашга интилиш тушунилади.
8	Б.П. Пузанов	Аутизм (юнонча <i>autos</i> – ўзи) – одамовилик, мулоқотга эҳтиёжнинг йўқлиги, ўзининг ички оламини атрофдагилардан афзал кўришда намоён бўладиган психика ҳолати.

9	Винг	Бузилишлар учлиги; аутистик спектр-нинг бузилишлари.
10	Вильямс	Аутизм турларини фарқлашда унинг билан боғлиқ уч турдаги муаммони кўрсатиш лозим: назорат, толерант-лик, алоқа. Бу муаммолар аутизмнинг умумқабул қилинган характери-стиклари (ижтимоий ўзаро алоқалар, коммуникация, ғалати хулқ-атвор)да намоён бўлади.

1.2. Аутизмни келтириб чиқарадиган сабаблар

Аутизмнинг сабаблари унча аниқ эмас. Эрта болалар аутизми (ЭБА) этиологиясида генетик омиллар катта ўрин тутиши кенг тарқалган қарашдир. Ҳозирда ҳам аутизмнинг биологик асосларини тадқиқ қилган таниқли олимлар ЭРА ҳолатларининг катта қисми ирсий сабабларга боғлиқ деган фикрда яқдилдирлар.

Ирсият механизми ҳам унча аниқ эмас. Бироқ у мутлақо моноген ҳам эмас, яъни ЭБАнинг ривожланиши битта генга эмас, балки генлар гуруҳига боғлиқ. Мультифакториал деб аталмиш механизм ҳақиқатга энг яқин деб ҳисобланади. Бу дегани, генли комплекс патологиянинг ўзини ўтишини эмас, балки патологиянинг ривожланишига мойилликнинг ўтишини таъминлайди ва касалликни сунъий равишда қўзғатадиган (юзага чиқарадиган) омил пайдо бўлганидагина намоён бўлади. Бу омил эса ҳам экзоген (ташки – жароҳатлар, инфекциялар, интоксикациялар, психик жароҳат ва ҳ.к.), ҳам эндоген (ички – ёш билан боғлиқ кризис, конституционал хусусиятлар ва б.) бўлиши мумкин. Бундай нуқтаи назар диққатни ўзига қўпроқ жалб қилади, чунки у ЭБА синдромининг клиник хилма-хиллигини бошқа нуқтаи назарларга қараганда яхшироқ изохлаш имконини беради. В.П. Эфроимсоннинг мультифакториал комплекс генларнинг жами мажмуи ёки унинг муайян бир қисми эмас, балки ақалли битта патологик ген бўлса ҳам юзага чиқади, деган гипотезасига кўра, бу нуқтаи назар ўзи-

ни оклайди. Ушбу гипотеза, шунингдек, нима учун аутизмли шахслардан аутистлар тугилмаса ҳам аутизмга учраганларнинг сони ортиб бораётганини изоҳлашга ёрдам беради.

ЭБАнинг наслдан наслга ўтиш механизмлари жуда кам ўрганилган.

АҚШ ва Ғарбий Европада психоген омил ўрганилмоқда. Психологлар ва психиатрларнинг фикрича, ЭБА кўпроқ эмоционал депривация шароитида ўсаётган, яъни она меҳридан узоқ вақт маҳрум бўлган, нотўғри тарбия кўраётган, интернатларга жойлаштирилган ва ҳ.к. илк ёшдаги (3-4) болаларда юзага келади. Бунинг оқибатлари болаларда атрофдагилар билан алоқаларнинг бузилишида, эмоционал индифферентликда, дифференцаллашган ҳис-туйғуларнинг бўлмаслигида, лоқайдликда, ривожланишнинг ва психомоториканинг орқада қолганлигида кўринади. Психоген ЭБА, унинг бошқа вариантларидан фарқли ўлароқ, тарбия шароитлари яхши томонга ўзгарганида йўқолиб кетиши мумкин. Бироқ агар бола ҳаётининг дастлабки уч йилида сурункасига номақбул шароитда яшаса, унда аутик хулқ-атвор ва нутқ ривожланишининг бузилиши барқарор тус олади. Россиялик олимларнинг фикрича, психоген омил: а) ЭБАнинг ҳамма шакллари кўзғатиши (юзага чиқариши); б) интеллект ва ўз-ўзини англаш даражаси етарли бўла туриб, ЭБАнинг учламчи ҳосилалари (ўзининг «бошқачароқ» эканидан қайғуриш сабабли невротик бузилишлар)нинг шаклланишини келтириб чиқариши; в) сенсор нуқсонлар ва депривацион психик ривожланишнинг бошқа вариантларида иккиламчи аутизацияга сабабчи бўлиши мумкин. ЭБАнинг намоён бўлиш механизмлари ва клиник кўриниши турли-тумандир.

Эрта болалар аутизмнинг патогенетик механизмлари унча аниқ эмас. Бу борада қуйидаги тахминлар мавжуд:

- аффектлик биологик механизмларининг бузилганлиги;
- инстинктларнинг бирламчи заифлиги;
- идрокнинг бузилиши билан боғлиқ ахборот блокадаси;
- ички нутқнинг ривожланмай қолганлиги;
- ўзаро алоқаларга эҳтиёжни бўғиб қўядиган эшитиш таас-суротларининг марказий бузилишлари;

– ретикуляр формациянинг фаоллаштирувчи таъсирларининг бузилиши.

Шундай қилиб, марказий нерв системасининг органик шикастланиши аутизм этимологияси билан боғлиқ ҳолда 50 йилдан ортиқроқ вақт давомида ўрганиб келинмоқда. Кўп йиллик тажрибадан маълум бўлишича, ЭБА ташхиси қўйилган болалар синчиклаб ўрганилганида, уларнинг кўпчилигида марказий нерв системасининг органик шикастланиши маълум бўлмоқда. Бироқ уларнинг келиб чиқишини ва таснифини аниқлаш қийин кечмоқда.

1.3. Аутизмга эга бўлган болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Аутик бузилишларга эга шахсларнинг клиник-психологик-педагогик қиёфаси психик ривожланишдаги бошқа бузилишларга қараганда мураккаб, турли-туман ва ўзига хос. Америкалик болалар психиатри Л. Каннернинг таълимотига кўра, ЭБА синдромининг асосий белгилари уч хил намоён бўлади:

- 1) аутистик кечинмалар билан кечадиган аутизм;
- 2) савдойилик элементлари бўлган бир маромдаги, стереотип хулқ-атвор;
- 3) нутқий ривожланишнинг ўзига хос бузилишлари.

Аутизм 3–5 ёшда очиқ-ойдин кўринади. ЭБАнинг ҳамма клиник вариантлар учун хос бўлган асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- атрофдагилар билан алоқага киришиш эҳтиёжининг етишмаслиги ёки мутлақо бўлмаслиги;
- ташқи оламдан ажралганлик;
- ўз яқинларига, ҳатто онасига нисбатан эмоционал муносабатнинг заифлиги, то батамом бефарқликкача (аффектив блокада);
- одамлар ва жонсиз предметларни ажрата олмаслик;
- неофобия (ҳар қандай янгиликдан қўрқиш);
- нутқий бузилишлар.

Кўп ҳолларда бундай болаларни, улар бошқа боланинг сочларидан тортганида ёки худди қўғирчоқдек итарганида, тажовузкор деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳатти-ҳаракатлар аутик

бола жонли ва жонсиз предметларни яхши фарқлай олмаслигидан далолат беради. Эшитиш ёки кўриш қўзғатувчиларига нисбатан реакциянинг етишмаслиги ота-оналарни офтальмолог ёки сурдологга мурожаат қилишга даъват этади.

Тиббиёт фани тарихида XVIII асрнинг ўзидаёқ аутик спектри бузилган (гарчи бу атама ҳали қўлланилмаган бўлса-да) инсонларнинг ҳолати тавсифи келтирилган матнлар пайдо бўла бошлаган. Ўтган асрларда фаолият юритган олимлар орасидан француз тадқиқотчиси Ж.М. Итар инсонлардаги аутизм билан боғлиқ муаммога бирмунча ўзгача ёндашиб, бу ҳолатни «ақлий мутизм» деб таърифлайди. Шу билан у аутизмдаги энг муҳим белгилардан бири – ақлий бузилиш мавжуд бўлмаган ҳолатда инсонда нутқий ривожланмаганлик ёки нутқий ривожланишдан орқада қолиш кабиларни ажратиб кўрсатади.

Муҳим муаммолардан бири сифатида аутизм муаммосининг долзарблиги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Руҳий соғлиқ йили деб номланган 2001 йилнинг ўзидаёқ эътироф этилган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йилда 2 апрель аутизм муаммоси ҳақида маълумотни тарқатиш Халқаро куни деб қабул қилинган бўлиб, шу вақтдан бошлаб бу кун ҳар йили нишонланиб келинмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида (РБИММ) аутизмга эга бўлган болалар билан ишлаш бўйича тажриба амалга ошириб келинмоқда. Шу кунга қадар Марказ мутахассислари томонидан ушбу касалликдан азият чекаётган юздан ортиқ бола текширувдан ўтказилди ва уларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилди, реабилитацион ҳамда коррекцион муолажа ишлари олиб борилди.

Республикамызда 2013 йилдан бошлаб нишонланиб келаётган аутизм ҳақидаги ахборотни тарқатиш кунига бағишлаб турли мамлакатлардан ташриф буюрган салоҳиятли мутахассисларнинг иштирокида биринчи Халқаро Конференция ўтказилди. Ўйлаймизки, мазкур Халқаро Конференция республикамызда мунтазам ўтказиб турилади ва унинг иши, бошқа мамлакатлар қаторида, Ўзбекистонда ҳам аутизм муаммосига самарали кўмак бериш тизимининг жорий этилишига хизмат қилади.

Аутик болаларда ҳам интеллектуал, ҳам шахс ривожланишининг етишмовчиликлари билан чамбарчас боғланган нутқнинг ўзига хос бузилишлари аксарият ҳолларда кўп кузатилади. Шунинг учун аутизм синдромига эга бўлган болаларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар меъёрий ривожланган болаларникидан катта фарқ қилади.

Биз буни кўрсатиш учун адабиётларни таҳлил қилиб меъёردа ривожланган бола ва аутизмга чалинган боланинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги қиёсий жадвалда келтирдик (2-жадвал).

Аутизм синдромига эга бўлган болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (қиёсий таҳлил)

2-жадвал

Меъёрдаги болаларнинг ривожланиши	Аутизм синдромига эга бўлган болаларнинг ривожланиши
Янги туғилган чакалоқда биринчи бўлиб идрок функцияси ишга тушади. Идрок болани кейинги ўсиш босқичларида ҳам ривожланиб боради. Соғлом болада фонематик эшитиш, яъни нутқидаги товушларни идрок этиш эрта пайдо бўлади ва товушларни талаффуз қилишга нисбатан тезроқ ривожланади. Эшитиш қобилятининг ривожланиши натижасида бола нутқидаги товушларни эшитиб, ўрганиб боради, аниқ эшитиш орқали тасаввур қилиш боланинг талаффузи учун замин ҳозирлайди ва яна артикуляцион аппарат ҳаракатчанлиги ўсган сари ҳосил бўлади. Бола нутқининг ўсиши нафақат идрок ва талаффузга таъсир кўрсатади, балки бола ўзининг ва атрофдагиларнинг нутқида сўзнинг товуш таркибини ажрата бошлайди.	Бир ёшдан бошлабқ аутик болаларда нормал ривожланишдан четлашиш кузатилади. Улар узоқ вақтгача нигоҳларини нарсаларга, ҳаттоки, ўз қўлларига ҳам қаратмайдилар, ҳаракатланаётган объектни кузатмайдилар, уларда бошмия пўстлоқларининг интегратив функцияси бузилади. Аутик болаларда «жонланиш комплекси» рудиментар шаклида намоён бўлади.

Инсон нутқидаги товушлар маъно англатади. Маъно англатувчи нутқдаги товуш фонема деб аталади. Фонематик идрок – бу боланинг нутқдаги маъно англатувчи товуш, фонемани эшитиш, уни бошқа товушдан ажрата олиш, сифатини аниқлаш (унли, ундош, жарангли, жарангсиз, тил олди, тил орқа, сирғалувчи кабилар) қобилятидир.

Боланинг импрессив нутқи билан экспрессив нутқи ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади.

Бу бола нутқидаги лексик-грамматик компонентларнинг шаклланганлигида кузатилади.

Д.Б. Элькониннинг асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, нутқни тушуниш учун куйидаги шартларга риоя қилиш зарур: а) предметни ажрата олиш; б) диққат-эътибор билан нарсани кузатиш; в) ҳис-ғуйғу ҳолати ва бошқалар.

Даставвал катталарнинг саволи болага ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, ҳатто бола предметга қиё ҳам боқмайди.

Қичкириш, йиғлаш, сўзлар пайдо бўлса-да, аутик болалар уларни нутқда қўллай олмайдилар. Одатда 10–15 та сўзлар уларнинг пассив ва актив лугатида шаклланади. Лекин кейинчалик бу сўзлар ҳам йўқолади. «Акс-садо» нутқи пайдо бўлади, лекин ижодий ёндашув кузатилмайди. Сўзларнинг маъносини тушунмайди. Саволлар билан мурожат қилмайди. Нутқнинг суръати ва раванлиги бузилади. Аутик болаларда мулоқотнинг ривожланмаганлиги намоён бўлади. Нутқий алоқага киришмаслик, нутқдан фойдаланишдаги заифлик, суҳбатдошининг гапларини тушунмаслик, сўзлаётганининг нутқиға эътиборсизлик - буларнинг барчаси суҳбатни қўллашда қийинчиликлар туғдиради. Муаллифлар аутик болалар мулоқот жараёнида доимо катталар томонидан ташкилий, йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи таъсирга муҳтож бўладилар. «Кўз-кўзга» мулоқот шаклланмайди. Аутик болаларни кўпчилиги қўзгалувчан, ҳахлдор. Ижтимоий кўрсаткичлар йўқ, шаклланмаган. Болани тинчлантириш жуда қийинчилик билан кечади. Ўзгаларга қизиқиш намоён этмайдилар. Онасиз қолганда хавотирланмайди, бефарқ бўлади. Кучли кўркувлар кузатилади. Аутик болага хос аломатлардан бири бу ёлғиз қолишни хоҳлайдилар. Бошқа болаларни ўз олдига йўлатмайдилар.

Иккинчи боскичда болада саволга нисбатан суст ҳаракатланиш пайдо бўлади ва у предмет турган томонга назар ташлайди, диққатини йўналтиради. Нутқни идрок қилишнинг учинчи боскичида бола учун жисмнинг моҳияти ва мазмуни аҳамият касб этмайди, берилаётган саволнинг интонацияси, ритми, темпи, мантикий урғуси бош мезон, асосий туртки вазифасини бажаради. Ўзгалар нутқини тушунишнинг охирги боскичида предметни англатувчи сўз билан предметни боғлашни уддалайди, натижада бошқа жойлардан ҳам шу предметни топиш учун ижодий изланишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охирги боскичи ўзгалар нутқини тушунишнинг илк шакли ва кўриниши деб аталади.

Болада ўзгалар нутқини идрок қилиш ва унга жавоб беришга интилиш, хусусан, кузатувчига жавобан у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш мураккаблашиб бораверади.

Бу эса ўз навбатида боғланган нутқининг тўлалигича ривожланишини таъминлайди ва савод ўрганиш учун замин ҳозирлайди.

Нормал нутқий ривожланиш жараёнида 2 ёшга келиб боланинг фонематик идроки етарлича шаклланган бўлади. А.И. Гвоздев, Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, Д.Б. Эльконин ва Л.Е. Журованинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 5 ёшгача бўлган болаларнинг нутқни товуш орқали қабул қилиш икtidори устунроқ ривожланган бўлади. Айни шу ёшда боланинг «нутқий фаолият»га киришуви мақсадга мувофиқдир. 6 ёшли болаларнинг ўқишга бўлган кучли кизиқишлари ҳақида кўпгина олимлар айтиб ўтишган.

Адабиёт	Диагностик мезонлар
С. Gillberg, 1989, 1991	Ижтимоий муносабатларнинг ўта бузилиши куйида келтирилган 4 ҳолатдан камида иккитасида намоён бўлади: – тенгдошлар билан нормал ҳолда муносабатларга кириша олмаслик; – тенгдошлар билан алоқа қилиш истагининг йўқлиги; – шаъма, ишораларни тушунмаслик; – ижтимоий ва эмоционал жиҳатдан номақбул ҳулқ-атвор. Ҳамма нарсани инкор этадиган тор манфаат куйида келтирилган 3 ҳолатдан камида биттасида намоён бўлади: – бошқа фаолиятни рад этиш; – қоидаларни қатъий қайтариш; – механик хотиранинг мантикий хотирага нисбатан кўпроқ ривожланганлиги. Белгиланган тартибга риоя қилиш ва манфаатларни қўллаб-қувватлаш куйида келтирилган 2 ҳолатдан камида биттасида намоён бўлади: – ҳаётнинг турли соҳаларида мотивлар ва манфаатларни ўз зиммасига олиш; – мотивлар ва манфаатларни ўзгаларга юклаш. Тил ва нутқ билан боғлиқ муаммолар куйида келтирилган 5 ҳолатдан камида 3 тасида намоён бўлади: – нутқий ривожланишнинг орқада қолиши; – ташқаридан тўғри туюладиган экспрессив нутқ; – расмиятчиликка, майдакашликка мойил нутқ; – ёмон просодика, овознинг ўзига хос жиҳатлари; – тушуниш бузилиши, маъноларни нотўғри талқин қилиш. Новербал коммуникация муаммолари куйида келтирилган 5 ҳолатдан камида биттасида намоён бўлади: – имо-ишоралардан фойдаланишнинг чекланганлиги; – ҳаракатлар тилининг қовушмаганлиги / беўхшовлиги; – юз ифодаларининг чекланганлиги; – ноадекват юз ифодалари; – ғалати тўхтаб қолган нигоҳ. Мотор қўполлик психик ривожланиш тадқиқ қилинганида, мотор кўрсаткичларнинг пастлигида намоён бўлади.

Аутизмда тез-тез учраб турадиган тиббий муаммолар. Аутизмда ақли заифлик, кўришнинг бузилиши, эшитишнинг бузилиши кузатилади. Аутизмли одамларнинг 20 тадан камида биттаси кар ёки деярли кар, ҳар 5 тадан биттасида эшитиш анча-мунча чекланган бўлади.

Аутизмда тери касалликлари ҳам учраб туради. Аутизмга бориб такаладиган турли-туман соматик синдромларнинг кўпчилиги тери касалликлари билан бирга кечади. Масалан, тубероз склерози ва гипомеланоз (улар аутизм ҳолатларининг 6–10% да учрайдиган бузилишлардир) каби.

Аутизмда яна қуйидаги касалликлар қўшилиб келиши мумкин: ташқи гениталийлар шаклланишининг бузилиши; мия чакка бўлақларининг дисфункцияси; бош мия стволининг дисфункцияси; ўз-ўзига шикастлар етказиш; аутистик спектрнинг ўзига хос синдромлари билан қўшилиб келадиган касалликлар, масалан, «нозик Х-хромосома» синдроми.

«Нозик Х-хромосома» синдроми мавжудлигида деярли ҳамма вақт ғоят қизиқ феномен учрайди – «саломга алик олмасдан тескари қараш», шунингдек, нигоҳни ўзига хос олиб қочиш одати. Логопед ушбу иккала ҳолатни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Шундай қилиб, аутизм болаларда 3 ёшдан аввал юзага чиқадиган ва умр бўйи давом этадиган психик хасталигидир. Бундай болаларда тил деярли ривожланмайди. Гапиришни ўрганадилар, аммо ғалати тарзда, «мен» ўрнига «сен» ёки «у» дейишади.

Аутистик болалар бошқаларнинг кўзларига қарай олмайдилар, кучоқлаганда безовта бўлишади. Кишиларнинг ҳиссиётларини тушунишда қийналишади. Улар гиперфаол ёки аксинча, ўта пассивдирлар. Ўз дунёларида яшайдилар, биров чақирса, жавоб бермайдилар, бир жойга тикилиб ўтираверадилар.

Аутизм 2–5 ёш орасидаги болаларнинг кўпчилигида жahl хуружлари – ўзини ерга отиш, тепиш, тепиниш, тишлаш, ўз сочларини тортиш, бошини деворга уриш, қўлларини тишлаш, юзини тимдалаб қонатиш, қаттиқ йиғлаш, бақиритиш, уйдаги нарсаларга зарар бериш шаклида ўзини кўрсатади.

Аутизм фикрлаш сустлиги, эпилепсия ва бошқа касалликлар билан юзага чиқиши мумкин.

Педагогика соҳасидаги махсус илмий изланишларда аутик болалардаги нутқ камчиликлари психик фаолиятдаги ривожланмай қолишнинг кўринишларидан бири эканлиги, улар биргаликда психиканинг ўсиши ва билиш жараёнларининг

шаклланишини қийинлаштириши, бола шахсининг камолоти, унинг ижтимоий алоқасига ва ижтимоий адаптациясига тўсқинлик қилиши аниқланди. Руҳий ривожланмаганлик ўз навбатида нутқнинг шаклланишига, атрофдагилар билан мулоқотни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Мактабгача ёшдаги ақли заиф болаларнинг нутқидаги камчиликларни коррекциялаш, уларни ёрдамчи мактабда муваффақиятли ўқишлари учун замин яратиш ҳозирги вақтда махсус педагогиканинг долзарб масаласига айланган. Мазкур тоифадаги болаларнинг нутқий, психик хусусиятларини ўрганиш ва уни коррекциялашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

II БЎЛИМ. БОЛАЛАРДА АУТИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

2.1. Аутизмга эга бўлган болаларнинг нуқсонларини бартараф этиш методикалари

Амалиётда ривожланишида нуқсони бўлган болаларга, айниқса аутизм синдромига эга бўлган болалар учун мўлжалланган коррекцион методикалар кўп эмас. «Алоҳида эътиборга муҳтож» болага нисбатан бирламчи ёндашувдан, шунингдек, фалсафасига кўра ҳамда педагогик услуб жихатидан фарқланувчи 4 асосий методика бор, булар – ТЕАССН, АВА, Son-rise, предметотерапия (сенсор интеграция ва рагбат).

Куйида бу методикаларга таъриф берамиз ва уларнинг кучли ҳамда кучсиз томонлари нималардан иборат эканлигини кўриб чиқамиз.

ТЕАССН (Teaching children with Autism to Mind-Read). Аутистик белгилари бўлган ва ривожланишдан орқада қолувчи болаларни қўллаб-қувватлашнинг асослари (ТЕАССН) 1970-йилларда доктор Eric Schopler томонидан ишлаб чиқилган эди.

Дастлаб мазкур методика мутахассислар ва ривожланишида шундай хусусиятлари мавжуд бўлган болаларнинг ота-оналари учун машғулотлар ва тавсиялар тўпламидан иборат эди. Ушбу методика АҚШнинг Шимолий Каролина Университетида фаол ривожланиб, бугунги кунда ундан Бельгия, Дания ва АҚШнинг баъзи штатларида аутистик белгилари мавжуд бўлган болаларни ўқитишнинг давлат дастури сифатида кенг фойдаланилмоқда. Бу методика ўқитувчиларнинг махсус тайёргарлигини, коррекцион педагогнинг оила ҳамда болани назорат қилиб бораётган шифокор билан ҳамкорлигини талаб қилади.

Мазкур методиканинг замонавий кўриниши ривожланишида умумий бузилишлари бўлган турли болаларга, айниқса, аутизм, ақли заифлик, шунингдек, нутқи ривожланишда орқада қолишга олиб келувчи касалликларга эга бўлган болаларга мўлжалланган. Кўп йиллар мобайнида ТЕАССН методикаси доирасида махсус тадқиқотчилик услублари ва болалар

ривожланишининг индивидуал дастурларини яратишнинг махсус тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бу ерда сўз қуйидаги уч асосий тамойиллар ҳақида кетмоқда:

- Психологик ривожланишга мўлжалланган тадқиқотлар бола ривожланишининг турли функционал соҳасидаги камчиликлари ва қобилиятларини қамраб олади.

- Мазкур тадқиқот бола ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилиб, болани коррекциялашнинг қисқа ҳамда узоқ муддатли мақсадларига эришиш имкониятини таъминлайди.

- Ҳар бир болага махсус мослаштирилган, машқ қилишга асосланган топшириқлардан иборат бўлган ривожланишнинг индивидуал ривожлантирувчи дастурлари у билан ишлашнинг асосий йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Методиканинг мақсади: ривожланишида бузилишлари бўлган болаларда қуйидаги соҳалар бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш:

- Имитация
- Идрок
- Йирик моторика
- Майда моторика
- Қўллар ва кўз координацияси
- Элементар билиш фаолияти
- Нутқ
- Ўз-ўзига хизмат қилиш
- Ижтимоий муносабатлар

Умуман олганда, мазкур методикага биноан боланинг индивидуал ривожланиши дастури 3 қисмга – эмоциялар ва уларнинг сабабларини тушуниш, маълумотларни олиш механизмларини тушуниш ҳамда ўйинга бўлинади. Дастурнинг ҳар бир қисми машғулотлар ва стимул материаллар тўпламидан иборат босқичларни ўз ичига олади.

Эмоцияларни ва уларнинг юзага келиши сабабларини тушуниш кўникмасининг шаклланиши тўрт босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич тайёрлов босқичи бўлиб, бунда бола расм ва пиктограммалардаги асосий эмоцияларни (қувонч, ғам,

кўркув, жahl)ни фарқлаб айта олишни ўрганиши лозим. Кейинги босқичда болаларга уларда турли эмоцияларни уйғотувчи схематик тарзда ифодаланган ҳаётий воқеалар таклиф этилади. Бола у ёки бу вазият қандай эмоцияларни уйғотиши лозимлигини ўзлаштириши керак. Учинчи босқич – ўз истак ва хоҳиши билан шартланган эмоцияларни тушуна олиш кўникмасининг шакллантирилиши, сўнгги босқич – эмоцияларни тушуниш.

Машғулотларни бажариш учун одатда ҳар доим уйда ва мактабда бўлиши мумкин бўлган предметлардан фойдаланилади. Бундай материаллар тўплами орқали бирйўла иккита мақсадга эришилади: 1) эгалланган кўникмаларнинг янги шароитга кўчирилиши (мактабдан уйга ёки аксинча); 2) қўлланиладиган материалнинг арзонлиги.

Коррекцион машғулотлар ўз ичига боланинг узоқ муддат давомида мослашувини ва педагог билан алоқа ўрнатилишини талаб этади. Алоқа ўрнатилишининг бирламчи йўллари излаш учун бир ойдан 2 йилга қадар вақт кетиши мумкин. Бунинг учун педагог дастлаб имкон қадар ўйин тарзидаги ва сенсор қўзғатувчилардан фойдаланади. Машғулотлар кум, аргимчоклар билан, икки томони очиқ узун йўлакча ёки кичкина уйча ичида олиб борилиши мумкин. Машғулот давомида фаолият тури, унинг вақти ва олиб бориш усулини боланинг ўзи белгилайди, педагог эса фақатгина боланинг ортидан унинг ўзи танлаган ҳатти-ҳаракатини йўналтириб ва тузатиб боради.

ТЕАССН бўйича ривожланиш оила билан психотерапевтик иш олиб борилгандагина самарали кечиши мумкин. Бунда бутун оиланинг психотерапевт билан мунтазам шуғулланиб бориши назарда тутилмоқда. ТЕАССН доирасида оила аъзолари билан оила тизимидаги ўзгаришлар устида ишлаш мобайнида бола учун чексиз имкониятлар очилади. Бироқ амалиётда камдан-кам оилаларгина тўлиқ психотерапевтик кузатувда иштирок этишга тайёр бўладилар. Яна бир мураккаблик юзага келади: бола корректологи (логопед, дефектолог) + оила психотерапевти (психолог) ҳамжиҳатлиги одатда шундай вазиятни юзага келтирадики, бунда бола учун қулай ривожлантирувчи шароит яратилишига қарамай, бола бошқа муҳитга тушгач, яна регрессга қайтади.

АВА (хулқ-атворни модификациялаш методикаси). Доктор Ivar Lovaas ва унинг Калифорния университетидagi шогирдлари 1963 йилдан бошлаб болалар билан хулқ-атворга асосланган методикаларни қўллайдилар. Мазкур усулнинг вазифаси иккита: болада ўқиш истагини уйғотиш ва унда таълим олиш имкониятига эга эканлиги тушунчасини шакллантиришга ёрдам беришдан иборат.

«Стимул – реакция – натижа» классик модели болада у ёки бу кўникмани ўзаро боғлиқ бўлган кичик-кичик босқичларга бўлиб шакллантиришни назарда тутлади. Ушбу босқичлардан ҳар бири бола томонидан тўлиқ ўзлаштириб олингач, кейинги босқичга ўтилади. Кутилган хулқ-атворга эришиш учун қўшимча эслатмалардан, ҳам ижобий, ҳам салбий мазмундаги рағбатлардан (мақтов, даkki, хайфсан ва ҳ.к.) фойдаланиш мумкин.

Мазкур методика ҳар бир хулқ-атвордан сўнг бирон-бир оқибат содир бўлади деган гояга асосланган бўлиб, агарда болага натижалар ёқса, у бу натижаларни қайтаради, аксинча, ёқмаса, қайтармайди. Ушбу ёндашувда барча мураккаб ҳатти-ҳаракатлар – нутқ, ижодий ўйин, кўзга қарашни ўрганиш ва бошқа шу каби кўникмалар майда қисмларга – ҳаракатларга бўлиб бажарилади.

Ҳар бир бола учун босқичма-босқич ривожланишининг индивидуал режаси тузилади. Бола бир вақтнинг ўзида бир-бирига алоқадор бўлмаган 2-3 та кўникмани ўзлаштириши мумкин, бироқ педагог томонидан янги кўникмаларнинг мураккаблаштирилган ва босқичма-босқич ўзлаштириладиган тизими ўрнатиб борилади.

АВAnинг якуний мақсади – болани тевааракатрофни мустақил равишда ўзлаштириш имконини берувчи восита билан қуроллантиришдан иборат. Агарда бола билан бир ҳафта мобайнида 30–40 соат давомида ушбу методика асосида шуғулланиб борилса, кўпроқ натижага эришиш мумкин (таъкидлаш жоизки, худди шунча вақт давомида бола билан ушбу методика асосида шуғулланилмаса, бу қадар натижага эришилмаслиги тажрибада исботланган). Бундан ташқари, идеал вариантда мазкур машғулотларни бола 6 ёшга тўлгунга қадар бошлаш мақсадга мувофиқдир (АВА методикаси ёши каттароқ болалар билан

қўлланилганда ҳам натижа беради, лекин қанча эрта бошланса, шунчалик юқорироқ натижага эришиш мумкин бўлади). Ота-оналар, одатда, куч ва имконияти бўлган тақдирда ҳам, бола билан йиллар мобайнида ҳар ҳафта 4 соат давомида мунтазам шуғуллана олмайдилар. Одатда АВАнинг уй шароитида амалга ошириладиган дастури ота-оналар куч ва имконияти билан ташкил этилади, шунингдек, мазкур методикадан фойдаланиш бўйича мутахассисликка эга бўлган дефектолог билан албатта машғулотлар ҳам олиб борилиши лозим. Чет мамлакатларда АВА тизими бўйича машғулотлар қуйидагича амалга оширилади: турлича йўналишдаги бир неча мутахассислар: хулқ-атвор кўникмаларни коррекциялаш малакасига эга бўлган дефектолог, мушқот терапевти, арттерапевт ва бошқа шу каби мутахассислар, назоратни эса супервизор – методика бўйича мутахассис амалга оширади. Мутахассислар кетма-кетликда 2-3 соат давомида бола билан ишлайдилар (бу вақт давомида беш-олти дастурни амалга оширадилар), кун мобайнида эса бола билан кетма-кет икки-уч нафар мутахассис шуғулланиши мумкин, шу тариқа бола бир кун давомида беш-олти соат машғул бўлади.

АВА тизими доирасида ишнинг деярли барча усуллари – ўқишдан тортиб Зайцев тизими, кўғирчоқ терапиясидан тортиб Монтессорининг стимул материалларига фаол қўллаш мумкин бўлади. Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, АВА методикаси исталган йўл билан, боланинг имконияти даражасида мулоқот ўрнатишига эришилишини талаб этади.

АВА методикаси мақтов ва жазонинг қўлланилишида аниқликка риоя этилишини талаб қилади. Бунда жазолар биров жиддий, ҳатто жисмоний жазонинг қўлланилиши билан ҳам кечиши мумкин. Масалан, агар бола педагогга нисбатан тажовузна муносабатда бўлаётган бўлса, педагог болани уриб қолишини олдини олиш учун қўлини ушлаб қолиши керак. Ота-оналар билан ўзаро келишилган ҳолда жазонинг ҳамда жисмоний таъсирнинг турли усуллари қўллаш ҳам мумкин.

АВА методикасининг кучли томонлари. Методика тезликда ва яққол ифодаланган натижаларга эришиш имкониятини беради. Бунда бола натижани исталган вазиятда ҳар қандай инсонлар олдида ҳам кўрсата олиши мумкин. Ушбу методиканинг

асосчиси И. Лааваснинг натижаларига кўра, АВА методикаси бўйича коррекцион машғулотларда иштирок этган болаларнинг деярли ярмиси умумтаълим мактабида таҳсил ола билиши мумкин. АВА методикаси бўйича коррекцион муолажаларни олган 90% болалар ўзларининг ҳолатларини яхшилашлари мумкин.

АВА методикасининг оғиз томонлари. Агарда бола ўзга инсонлардан кўрқадиган бўлса, мазкур методика коррекцион машғулотларнинг дастлабки босқичларида яхши натижаларини бермайди. Бироқ бола ўз онасига нисбатан ҳиссий боғланган бўлади. Агарда у ижтимоий мослаша оладиган ҳамда болалар билан муносабатга эркин ва осон кириша оладиган бўлса, бироз жиддий талабларга эга бўлган мазкур методикани чеклаган ҳолда (масалан, фақат нутқ ривожлантирилиши учун) қўлланилгани маъқул. Бу методика боланинг қайсидир қариндоши билан бутунлай келишиб муносабат билдиришини талаб этади. Методика бирмунча жиддий рағбат ва жазо тизимини инobatга олинишини талаб қилиши сабабли баъзан ота-оналар жараёнга гўёки дрессировкадек муносабат билдириши мумкин.

Холдинг-терапия. Оилавий психотерапия, одатда, бир вақтнинг ўзida оиланинг барча аъзоларига психологик ёрдам кўрсатилишини, оилавий муносабатларни тузатишни талаб этади. Бундай ёрдамни, айниқса, болада дизонтегенезнинг оғир шакли, болалик аутизми каби ташхис бўлса, амалга ошириш жуда мураккабдир. Мазкур вазиятда нафақат оилавий ўзаро муносабатларни тартибга солиш имкониятини берувчи, балки боланинг руҳий ривожланишига эриштирувчи усулларни қўллаш лозим бўлади. Мазкур мақсадларда америкалик психиатр М. Велч (M. Welch, 1988) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда жаҳон психологияси амалиётида мослаштирилган (P. Elmhirst, 1986; I. Prekopp, 1983; M. Zappella, 1983; J.Richer, 1992; М.М. Либлинг, 2000) холдинг-терапия методикаси қўл келади. *Холдинг жараёни давомида ота-она боланинг қаршилигига қарамай уни то ўзи бўшаишмагунча ва ижобий эмоционал мулоқот эҳтимоли юзага келмагунча, қаттиқ ушлаб ўтирадилар. Ота-она бола билан ўз ҳис-туйғуларини улашиб, ҳал қилиш лозим бўлган муаммони тушунтириб, ундан қаршилиқ кўрсатмаслигини сўраб, ота-онаси билан ҳамжиҳат бўлиш унинг ўзи учун қанчалик*

муҳим эканлигини тушунтириб бориши лозим. Шунинг учун холдингнинг моҳияти болани нафақат жисмонан, балки эмоционал равишда ушлаб туришдан иборат. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, холдинг-терапия давомида аутик боланинг худди меъёрдаги онтогенезда гўдаклик ва илк ривожланиш босқичларидаги каби онага нисбатан боғланишига эришилади.

Son-Rise методикаси. Son-Rise методикаси тамойиллари (кўпинча уни «Son-Rise дастури» деб ҳам атайдилар). Аутизмга эга бўлган болаларга ёрдам беришга мўлжалланган Son-Rise дастури эр-хотин Барри ва Самарией Кауфман томонидан 30 йиллар илгари ишлаб чиқилган. Уларнинг фарзандларидан бири аутизм касаллигига эга эди. Ўта кўрқоқ ва кўп чўчийдиган болалар учун айнан бу методика катталарнинг аста-секин ва эҳтиётлик билан қўшилиб бориши ҳисобига педагог билан муносабат ўрнатишга ёрдам беради. Чунки мулоқот ўрнатиш қобилияти ҳар қандай таълим жараёнининг асосини ташкил этади.

Сонрайз методикаси бўйича ҳурмат ва чуқур ғамхўрлик болада таълим олишга нисбатан мотивациянинг уйғонишига таъсир қилувчи муҳим омиллардандир. Шунинг учун таълимнинг дастлабки босқичларидан педагог томонидан болага нисбатан муҳаббат намоён этилиши ва уни борица қабул қилиш ҳар қандай таълимий машғулотнинг муҳим қисмидир. Бу методиканинг кучли томонлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: боланинг қайтарилувчан (аутоstimуляциялар) ва одатий ҳаракатларини (масалан, объектларни бир қатор териб чиқиши) унинг хулқ-атворининг сабабларини бартараф этиш ҳамда кўз алоқасини ўрнатиш, ижтимоий ривожланиши ва бошқаларнинг ўйинга қўшилиши имкониятини кучайтиради. Боланинг шахсий мотивациясидан фойдаланиш таълим самарадорлигини кучайтиради.

Методиканинг кучли томонлари унинг ижтимоий йўналганлигидир. Чунки бу методика боланинг яқин кишиларидан тортиб махсус ўқитилган мутахассисларнинг ва дастур асосида ишловчиларнинг фаол мулоқотга жалб этилишини назарда тутди. Бир вақтнинг ўзида яқин кишилардан бирининг ва педагогнинг болага бутунлай ўзини бағишлашини талаб қилади, чунки бола ҳатто бир сонияга ҳам катталарнинг назоратидан четда қолиши мумкин эмас, аксинча, мунтазам равишда фаолиятга жалб этиб борилиши лозим.

Методиканинг оғиз томонлари. Бола учун ижтимоий муҳитни яратиш лозим. Унда янги кўникмага қизиқиш уй-готиш учун танлаш имконияти қолмайди – унинг кўз олдига фақатгина ривожлантирилиши лозим бўлган кўникма учун зарур бўлган предмет (стимул материали)гина туриши лозим. Бироқ таълим муҳотида халақит берувчи таъсирнинг мавжуд эмаслиги кўникмани шакллантириш жараёнини мураккаблаштиради. Мазкур методика мулоқотга қандай киришиш лозимлиги бўйича нотўғри хулқ намуналарини бериб, унинг ижтимоийлашувини кечиктиради. Бола ҳар доим мулоқотнинг иккинчи иштирокчиси томонидан ташаббус қутади.

Сенсор интеграция ва рағбатлантириш (СИР) методикаси (предметли терапия). Сенсор интеграция ва рағбатлантириш методикаси Калифорния университетининг меҳнат терапияси бўйича мутахассиси Jean Ayres томонидан ишлаб чиқилган. У неврологик бузилишлари мавжуд бўлган бола ва катта ёшдагилар билан ишлаган. Россияда мазкур методика нима учундир «предметотерапия» номини олган.

Мазкур методика асосидаги рағбатлантирувчи машғулотлар бир кунда 2-3 маротаба ўтказилади, унинг мазмуни 3-4 ойда бир маротаба қайта кўриб чиқилади. Машқлар босқичма-босқич мураккаблаштирилиб, янги турдаги кўзғатувчилар киритиб борилади, муайян муваффақиятларга эришилганда эса когнитив тренинг элементларидан кўшилади. Мазкур методика Даун, нутқий ривожланишда орқада қолган (НРОҚ), болалар церебрал фалажи (БЦФ), аутизм синдромига эга бўлган болалар билан коррекцион мақсадларда қўлланилганда самаралидир. Аутизмга эга бўлган болалар ўта таъсирчан ёки эътиборсизлар, шунингдек, ўз туйғуларини интеграция қила олмайдилар.

Методиканинг кучли томонлари. Методика тарафдорларининг фикрича, бола секин-аста сенсор таъсирларни интерпретация қилишга ва ҳар гал янги босқичларга мослашишга ўрганиб боради. Фақатгина шу методика энг оғир ва кўпгина психик муаммоларга эга бўлган, ақлий ривожланишдан орқада қолишнинг оғир шакл-

ларига чалинган, бош миядан огир жароҳатланган болалар билан коррекцион ишларнинг дастлабки босқичларида қулайдир.

Методиканинг оғиз томонлари. Сенсор интерпретация соҳаси, биринчидан, бу меҳнат терапевтлари томонидан қўлланиладиган даволаш усулидир. Шунинг учун ота-оналар мазкур методикадан махсус таҳсил олганларидан сўнг ҳамда методикани ишлатиш бўйича мутахассиснинг НАЗОРАТИ ОСТИДАГИНА уни фарзандларига нисбатан қўллашларига рухсат берилиши мумкин.

Россия дефектологияси соҳасида болалик даври аутизми-ни тузатиш бўйича тўлиқ назарий ва амалий ёндашув ишлаб чиқилган (К.С. Лебединская, О.С. Никольская, 1991; О.С. Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлинг, 1997). Аутизмли бола ва унинг оила аъзоларига психологик коррекцион ёрдам бериш тизимининг асоси синдромнинг умумий структурасида аффектив соҳа ривожланишининг бирламчи бузилиши ғоясига асосланади (О.С. Никольская, 1985, 1999). ЭБА болалар билан К.С. Лебединская ёндашуви (усули) асосида коррекцион иш олиб борилади.

Шундай қилиб, дунёда аутизмни тузатишнинг кўпгина усуллари мавжуд: холдинг-терапия, музика терапия, сув терапияси, ўйин машғулоти, дельфин иштирокидаги терапия, батут терапияси, нам матога ўраш ва бошқалар. Улардан қуйидагилар амалиётда айниқса кенг қўлланади: санъат турлари воситасида коррекциялаш-даволаш (арттерапия), китоб воситасида коррекциялаш-даволаш (библиотекотерапия), ўйин воситасида коррекциялаш-даволаш, лой воситасида коррекциялаш-даволаш, музика терапияси, эртак терапияси, ўсимликлар воситасида коррекциялаш-даволаш (гарденотерапия), отга миндириб коррекциялаш-даволаш (иппотерапия), компьютер технологиялари, анимацион терапия, саёхат воситасида коррекциялаш-даволаш (гуротерапия), кум терапияси ва бошқалар.

Санъат турлари воситасида коррекциялаш-даволаш (арттерапия) деганда камчиликни бартараф этиш ёки компенсация қилишга қаратилган бадиий фаолият (расм, рақс, музика, шеър, театр, бадиий ўқиш, риторика) усуллари қўлланиладиган методлар мажмуи тушунилади.

Реабилитация амалиётида арттерапия турлари нуқсон турига ва хусусиятига, шунингдек, у ёки бу нуқсонга ўзига хос таъсир кўрсатиш хусусиятига қараб танланади. Масалан, мусиқа ва тасвирий санъат имконияти чекланган болаларга атроф оламда фазо ва вақтни тўғри идрок этиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берса, театр томошаси, риторика ва рақс бундай болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга кўмаклашиб, шу орқали уларда атрофдагилар билан мулоқотда мақбул хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиради. Китоб ўқиш ҳамма турдаги имконияти чекланган болаларда интеллектуал қобилиятни ривожлантиришнинг муҳим воситасидир, аммо кўришида ва эшитишида муаммолари бўлган болалар учун бу ижтимоий-маданий муҳит билан алоқаларни кенгайтиришнинг энг самарали усулидир.

Арттерапия тасвирий санъат имкониятларидан (изотерапия) айниқса кенг фойдаланади: изотерапия арттерапиянинг катта қисмини ташкил қилади. Изотерапиянинг бош мақсади ижодий тасвирий фаолият орқали ривожланишида камчилиги бор боланинг ижобий психик имкониятларини фаоллаштиришдан (ёки компенсация қилишдан) иборат.

Изотерапия учун алоҳида бадиий қобилиятнинг бўлиши шарт эмас. Асосийси, имконияти чекланган бола расм чизиш орқали ўзининг ички ҳолатини, ҳис-туйғуларини ифода эта олиши лозим. Расм чизиш жараёни кўриб идрок этиш, мотор координацияси, нутқ, тафаккур каби муҳим психик функциялар билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, нутқ функциясининг ривожланишига ёрдам берибгина қолмай, балки бу функцияларни ўзаро боғлайди ва шу орқали болага атроф олам ҳақидаги ўз тасаввурларини тартибга солиш ва шакллантиришга ёрдам беради.

Китоб воситасида коррекциялаш-даволаш (библиотекотерапия) кўпроқ ижтимоий, маданий-маърифий, психологик реабилитация йўналишида олиб борилади. У бадиий ўқиш, мунозара,

адабий кечалар, асарлар қаҳрамонлари ва муаллифлари билан учрашувлар, китоб кўргазмалари ва ҳ.к орқали амалга оширилади.

Ўйин воситасида коррекциялаш-даволаш (ўйин терапияси) бу реабилитацион ўйин методикалари, шакллари, воситалари, вазиятларининг мажмуидан иборат технологиядир. Ўйин терапияси жуда кўп муҳим функцияларни бажаради. Булар: ижтимоийлаштириш, ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, мослаштириш, релаксация ва коррекциялаш.

Ўйин аутизмли болани фаоллаштиришга ёрдам беради, шахслараро мулоқот ва алоқа тажрибасини бойитади, яқка тартибда, гуруҳда ўзаро муносабатлар шаклларини ўзлаштиришга ўргатади.

Эртак терапияси ривожланишида камчилиги бўлган бола шахсига эмоционал-психологик, педагогик таъсир кўрсатиш ва уни ижтимоий-ахлоқий шакллантиришнинг етакчи тури ва усулларидан биридир.

Лой воситасида коррекциялаш-даволашда иш асосан лой, пластилин, хамир ва шу каби эластик материаллар билан олиб борилади. Бу иш усули тиббий, валеологик, маданий йўналтирилган ва креатив элементларни ўзида бирлаштиради.

Мактабгача ёшдаги аутик болалар билан олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларда ишлатиладиган технологиялардан яна бири бу - кумли терапия (кумли муолажа) эгаллайди, бунда бола (баъзан катта одам ҳам) кумдан ва кичик шакллардан ўзининг алоҳида дунёсини яратади. Бу ўзининг қадимий ва қизиқарли тарихига эга бўлиб, ҳозирда ва келажакда илмий-назарий ва техник тараққиётда ўз ўрнини сақлаб қолган усул ҳисобланади.

Қум – ўзининг алоҳида хусусиятига эга бўлган материал ҳисобланади. Биз кўлимизни қуруқ қум билан ёпганимизда (қўмганимизда) алоҳида бир хотиржамликни сезамиз; қумни қўлларимиз билан сепиш, бир жойдан иккинчи бир жойга ўтказиш орқали биз турли хил шаклларни ҳосил қиламиз, шамол ва қум биргаликда саҳро тасаввурини ҳосил қилади. Қум сув билан бирикканда қораяди ва ернинг кўринишини олиб, мустаҳкам

бўлади. Бунда қум билан турли шакллари (ландшафт, кўп қаватли бинолар, турли хил предметлар) ҳосил қилиш мумкин. Бундай машғулот асосида бола тасаввурида ўз дунёсини ҳосил қилади ва вақтинча унда яшайди. Бола қийналганини катталардек сўз билан изоҳлаб бера олмайди, лекин у бу ҳолатни қумли расмлар орқали таърифлаши мумкин. Тактил сезиш ва майда қўл моторикалари ҳаракатчанлигининг ривожланиши аутик болалар учун кўшимча ижобий таъсир этиш ҳисобланади. Иш жараёнида бола унга лозим бўлса, қумни сув билан аралаштириб, тоғ, уйлар, ландшафтларни ясайди. Шунингдек бола иш жараёнида турли хил миниатюраларни фигураларни ҳам ясайди: одам, ҳайвон, дарахт, бино ва ҳоказо. Бу тарзда турли фигура ва нарсаларни яшаш боланинг ўз дунёсини яратиши учун муҳимдир. Қумли терапиядан фойдаланган ҳолда аутизмли болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотлар махсус ташкил этилган ўйин хоналарида индивидуал тарзда ўтказилади. Ўйинчоқлар атайин қумли терапия учун танланади: кўғирчоқ уйчалари, турли хил кўғирчоқлар, машиналар, қум ва сув учун стол, ўйинчоқ ҳайвонлар, конструкторлар ва ҳоказо. Ўйин болага ҳалақит бермаган ҳолда, логопед назорати асосида олиб борилади. Ўйин жараёнида аутик боланинг муаммоси ва сабаблари аниқланади ҳамда уни бартараф этишда болага ёрдам бериб борилади. Логопед ота-онанинг бола билан ўзаро муносабатини яхшилаш мақсадида кўпинча уларни ҳам ўйинга жалб этади.

Ўсимликлар воситасида коррекциялаш-даволаш (гарденотерапия) имкониятлари чекланган болаларни психик-ижтимоий реабилитация қилишнинг алоҳида йўналиши бўлиб, бу иш усули ўсимликлар билан ишлаш, уларни парвариш қилиш орқали амалга оширилади.

Отга миндириб коррекциялаш-даволаш (иппотерапия). Бу метод имконияти чекланган болаларни отга миндириб реабилитация қилиш ва соғломлаштиришни билдиради. Иппотерапия бола организмни умумий чинқитиришга ёрдам беради, унга психологик, эстетик, тарбиявий таъсир кўрсатади.

Анимацион терапия коррекцион-даволаш ишининг ижтимоий-психологик методлардан бири бўлиб, у санъат воситалари ва маданий муассасалар ёрдамида ривожланишида нук-

сони бўлган боланинг ижтимоий-маданий мослашуви, интеллектуал ривожланиши, кундалик ижтимоий-маданий муҳитга мослашуви ва интеграциясига ёрдам беради.

Саёҳат воситасида коррекциялаш-даволаш (туротерапия). Бу реабилитация ва коррекциялаш методи асосан саёҳатлар ва экскурсияларни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий туризмни ривожлантириш, ривожланишида у ёки бу камчилиги бўлган кишиларнинг имкониятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган сайёҳлик дастурлари дам олишга бўлган ҳуқуқнинг, маданий қадриятларга даҳидорлик ҳуқуқининг ҳамма болалар учун тенг амалга оширилишини таъминлайди.

Компьютер технологиялари ҳар хил реабилитацион тадбирларни ўтказишда ахборот манбаи сифатида ғоят муҳимдир. Бу борада Интернет тармоғи жуда катта ахборот ресурсларига – электрон кутубхоналар, маълумотномалар, лугатлар, энциклопедиялар, турли мавзулардаги маълумотлар базаларига эга бўлгани билан диққатни ўзига жалб қилади.

Компьютер ўйинлари эса ўйин терапиясининг қудратли ресурсидир. Бу ўйинлар фақатгина кўнгилхушлик эмас, балки бир қатор психик ва мотор функциялар учун қимматли машқлар ҳамдир.

Республика болалар мослашуви марказининг Ахборот-консалтинг хизматида имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий реабилитациясининг турли моделлари амалда қўллаб келинмоқда. Шу жумладан, юқорида таърифлари келтирилган коррекцион-даволаш методлари ҳам маълум ўрин эгаллайди. Шу билан бирга марказ мутахассислари олдида бу методларни илмий-методик жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг амалий ишда самарадорлигини ошириш, болалардаги камчиликлар бўйича дифференциялаш йўллари аниқлаш талаб қилинади. Бунинг учун эса, авваламбор, мутахассисларнинг ўзлари бу методларни пухта ўзлаштиришлари, уларнинг мақсади ва мазмунини аниқ билиб олишлари, ушбу коррекцион-даволаш методларини камчиликлар турлари бўй-

йича дифференциация қилиш учун тажриба-синов ишлари олиб боришлари лозим. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг учун ушбу йўналишда иш олиб бораётган мутахассислар билан алоқа ўрнатиш ва улар бошчилигида Республика болалар мослашуви маркази Ахборот-консалтинг хизмати ва филиаллари мутахассислари учун маҳорат дарслари, тренинглари ташкил қилиб, уларнинг бу соҳадаги билим ва малакаларини ошириш талаб этилади.

Мулоқот кўникмаларини ривожлантириш учун кўпроқ ўйин машғулотларидан фойдаланилади. Аутизмли инсонларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда муҳитни мослаштириш муҳим шартлардандир. Фақат махсус муҳитдагина махсус индивидуаллаштирилган дастурлардан фойдаланиш мумкин.

2.2. Аутизмга эга бўлган болаларнинг нуқсонларини барта- раф этиш бўйича педагогик тавсиялар

Аутизм муаммоларнинг мураккаблиги ва психик (руҳий) ривожланиш бузилишининг даражаларини инобатга олган ҳолда, О.Н. Никольская аутик болаларни тўртта гуруҳга ажратган. Коррекцион таълимни ташкил этишда ушбу тасниф индивидуал дастур тузишга имкон беради.

1. Болаларда нутқнинг йўқлиги ва уларга қаратилган нутққа нисбатан бефарқ бўлиши ҳамда коммуникатив фаолиятнинг новербаллиги.

2. Болаларда нутқнинг содда шаклда ва қисман мавжудлиги, лекин боланинг мулоқотга кириша олмаслиги.

3. Болалар атрофдагилар билан мулоқотдан қочиши, ҳатто имо-ишорали мулоқот турига эга эмаслиги, ўзгарувчан шароитга ёмон мослашиши. Бу ҳолат боланинг ота-онаси ва логопед билан мулоқотга киришишида қийинчиликлар туғдиради.

4. Болаларда психик, нутқий ва ижтимоий ривожланишида сустлашишлар ва диққатини жамлашдаги муаммолар кузатилиб, бу ижтимоий мослашмаганлик ва соддаликда намоён бўлади.

5. Болаларни гуруҳларга бундай ажратиш уларга логопедик ташхис қўйишда асосий белгилардан ҳисобланади. Шундай қилиб, аутик болалар турларининг бир хил эмаслиги, ривожланишидаги бузилишнинг мураккаблиги сабабли боланинг дастурни ўзлаштириш қобилятига индивидуал, дифференциал ёндашув талаб этилади.

Аутизмли бола билан ишловчи логопед, дефектологлар учун тавсиялар.

1. *Мутахассислар малака ошириш курсларида махсус «Аутизм» курсини ўқишлари лозим.*

2. *Таълим ва тайёрлов ўз ичида беш асосий соҳани қамраб олади.*

Таълим ва тайёрловнинг биринчи соҳаси аутизмга оид назарий билимлардан иборат. Назарий йўналиш диагностика ва белгилаб олиш соҳасини ўз ичига олади.

Таълимнинг иккинчи соҳаси аутизмга эга бўлган мижозни ташхис қилишни ўз ичига олади.

Учинчи соҳа аутизмга нисбатан атроф-муҳитнинг мослаштирилишини қамраб олади (билимлар муқобил тизимининг ривожланиши).

Тўртинчи соҳа функционалликдан иборат. Шунинг учун унутмаслик лозимки, аутизмга эга бўлган инсонлар биз қандай функционал кўникмаларга ўргатган бўлсак, шуларнигина ўрганади.

Бешинчи соҳа «ўқитиш ва таълим усуллари қай тарзда аутизмли болага мослаштиритилиши лозим» деган саволга таллуқли. Махсус таълим дастлаб кўзи ожиз ва заиф эшитувчилар учун ишлаб чиқилган эди. Аутизмга эга бўлган болалар учун шунга ўхшаш тизимнинг ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши, эҳтимол, энг муҳим вазифадир, чунки ҳеч ким бунга анъанавий махсус таълим орқали тайёрланмаган.

3. *Педагогик стратегиянинг асосини индивидуал ёндашув ташкил этиши лозим.*

Педагогик жараёнда фойдаланиш учун асос қилиб олиш мақсадида ҳар бир болада сақланган психомотор функцияларни, унинг шахси ва ривожланишининг ижобий томонларини излаб топишга интилиш педагогик оптимизм асосида педагогик тахминни белгилашнинг муҳим шартидир.

4. Жамоатчиликнинг аутизм ҳақидаги хабардорлигини ошириш билан боғлиқ ташвиқот ишини йўлга қўйиш ҳам жуда муҳимдир. Ҳаётимизда шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, баъзи ота-оналар «ноодатий» тарзда улғаяётган фарзандларидан уяладилар, чунки жамоатчиликнинг ўзи уларни тўғри қабул қилмайди. Бу умуман нотўғри! Муаммо шундаки, ўз фарзандларини бошқа тенгдош болаларга ўхшамаслигини пайқаган ота-оналар безовта бўлиб, уларни «беркитиш»га уринадилар, натижада эса ўзлари ҳам жамиятдан ажралиб қоладилар.

Таассуфлар билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам мазкур муаммо бирмунча долзарбдир. Бугунги кунда аутизмга ташхис қўйиш ва уни даволаш тизими Республика болалар ижтимоий мослашув марказида илмий-методик ва амалий жиҳатдан ривожланиб келмоқда. Бунинг мураккаблиги шундаки, аутизм ҳодисаси турли ихтисосликларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини талаб этади. Аутизм касаллиги билан оғриган болаларнинг абилитацияси ҳамда интеграцияси – бу бир қанча чора-тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб, кўпроқ ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилиши, яъни турли соҳа мутахассисларининг жалб қилиниши талаб этилади. Бу муаммога педиатр, тор ихтисосликдаги тиббиёт ходимлари, логопед, психолог ҳамда дефектологларнинг ўзаро ҳаммаслаҳатлигида ёндашиш деганидир. Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида аутизм касаллиги билан оғриган инсонларнинг таълими, тарбияси ҳамда мослашуви муаммосига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Кўпинча хорижлик мутахассисларнинг муаммога ёндашуви ҳар бир инсоннинг, шубҳасиз, ўзича такрорланмас ва ноёб шахс эканлигини тан олиш заруриятига асосланади. Шунинг учун эътиборни камчиликларни тузатишга эмас, балки инсонлар учун алоҳида, уларнинг ўзлигини сақлаб қолган ҳолда эркин яшай олиши учун шароит яратишга қаратиш лозимлиги таклиф қилинади.

Бу мақсадда психологик-педагогик коррекцион технологиялар мажмуасини ишлаб чиқиб, мутахассисларни самарадорлиги илмий нуқтаи назардан тасдиқланган методикалардан фойдаланишга ўргатиш зарурдир. Ушбу жараёнда чет эл тажрибасини инобатга олиш жуда муҳим.

ХУЛОСА

Логопедия, психология, нейропсихология, коррекцион педагогика ва махсус психологиянинг ҳозирги ривожланиш босқичи болаларнинг психик ривожланишидаги турли-туман хусусиятларни чуқурроқ ўрганишга бўлган эътибор билан ажралиб туради ва бу ғоят катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Ривожланишида турли камчиликлари бўлган, жумладан, аутизм ва комплекс камчиликларга эга болаларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу ҳол болаларнинг, нафақат мактабгача даврида, балки бутун таълим-тарбия жараёнида ҳам кузатиб бориш заруратини келтириб чиқаради ҳамда ҳар битта алоҳида ҳолат учун коррекцион таъсир кўрсатиш микродастурини белгилашни талаб қилади. Сўнгги йилларда болаларда ҳар хил психик бузилишларни ўрганиш ва коррекция қилиш муаммосига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Масалан, эрта болалар аутизмга оид кўплаб адабиётлар, жумладан, тавсияномалар интернет тармоғида пайдо бўлмоқда. Шунга қарамай, бир қатор саволлар махсус тадқиқот доирасидан четда қолиб келмоқда. Болалар эрта аутизми муаммоси алоҳида эътиборни талаб қилади, чунки мулоқотнинг бузилиши боланинг бутун ҳатти-ҳаракатига сингиб кетади, унинг меъёрдан четга чиққан ҳолда ривожланишида етакчи ўринни эгаллайди. Психик ривожланишнинг бошқа камчиликларида мулоқотнинг бузилиши иккиламчи характер касб этади ва асосий бузилиш (ақлий қолқлик, невротик бузилишлар, нутқ ва эшитиш камчиликлари ва ҳ.к.) коррекцияланганида, анча камаяди ёки бутунлай йўқолади. Шунинг учун эрта болалар аутизмини коррекциялаш алоҳида ёндашувни талаб қилади ва анча қийинчилик туғдиради.

Аутизм карлик ва кўрлик билан қўшилган ҳолатлар ҳам кўпроқ учрайди. Бироқ унинг тарқалганлиги бўйича статистика маълумотлари бир хил эмас ва бунинг ўз сабаблари бор: 1) ташхислаш мезонлар унча аниқ эмас; 2) синдромнинг ёш чегараларини баҳолашдаги фарқлар (Россияда 15 ёшдан ошмайди, Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда ёш чегараланмаган); 3) ЭБАни келтириб чиқарадиган сабабларни, ривожланиш механизмларини, аутизм моҳиятини тушунишдаги фарқлар. Чет эл адабиётида сўнгги йилларда кўп ҳолларда 10 мингта янги туғилган чақалоққа

15–20 нафар аутизм билан тугилгани тўғри келиши ҳақида гап боради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўгил болаларда аутизм кизларга қараганда 4–4,5 марта кўпроқ учрар экан. Яна шу ҳам алоҳида таъкидланадигани, вақт ўтиши билан аутизм частотаси ўсишга мойил бўлиб, на миллий, на ирқий, на географик ва бошқа омилларга боғлиқ эмас экан. Бу эса ушбу оғир психик бузилиш локал эмас, балки умуминсоний характерга эгаллигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда аутизм муаммосига кўплаб ёндашувлар мавжуд. Уларни яхшироқ тушуниш учун чет эл ва миллий илм-фанда эрта болалар аутизмнинг тарихига мурожат қилиш лозим. В.М. Башина ушбу муаммонинг ривожланишида 4 даврни ажратиб кўрсатади.

Биринчи давр XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади. Бу давр жамиятдан қочиш ва ёлғизликка интилишга мойил алоҳида болалар ҳақидаги ахборотлар билан чекланади.

Каннердан олдинги давр деб ном олган иккинчи давр ўтган асрнинг 20–40-йилларига тўғри келади. Бу йилларда болаларда шизофренияни аниқлаш имкониятлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди (Г.Е. Сухарева, 1974).

Учинчи давр (1943–1970) Л. Каннер ва Х. Аспергерларнинг аутизм бўйича ҳал қилувчи ишларининг нашр юзини кўрганлиги билан белгиланади. Дастлаб бу синдромнинг тавсифи 1943 йилда америкалик болалар психиатри Л. Каннер томонидан келтирилган эди. Унга боғлиқ бўлмаган ҳолда австриялик психиатр Аспергер 1944 йилда болалардаги шунга яқин ҳолатга тавсиф бериб, уни аутистик психопатия деб атади. Л. Каннер ўзининг дастлабки тадқиқотида эрта болалар аутизмга мулоқот, нутқ, моториканинг бузилиши билан кечадиган алоҳида ҳолат деб таъриф берди ва уни «шизофреник» спектр деб номланган ҳолатлар қаторига қўйди.

Л. Каннердан кейинги – тўртинчи давр (1980–1990) эрта болалар аутизмга нисбатан Л. Каннер позициясидан анча чекиниланлик билан белгиланади. Эрта болалар аутизми келиб чиқиши ҳар хил, ўзига хос бўлмаган синдром сифатида қараладиган бўлди.

Ҳозирги даврга келиб, аутизмнинг икки тури ҳақидаги қарашлар қарор топди: Л. Каннернинг классик аутизми ва генезиси ҳар хил аутистик ҳолатларни ўз ичига олган аутизм варианты.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод келажак пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
2. Актуальные проблемы диагностики задержки психического развития детей. – Москва: Педагогика, 1991.
3. Актуальные проблемы нейропсихологии детского возраста. Учебное пособие. / Под. ред. Л.С. Цветковой. – Москва: Издательство НПО «МОДЭК», 2001.
4. Атлас для экспериментальных исследований отклонений в психической деятельности человека. / Под. ред. проф. Полищука Н.А. и доц. Видренко А.Е. 1980.
5. Блейхер В.М., Крук И.В., Боков С.Н. Практическая патопсихология. Руководство для врачей и медицинских психологов. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996.
6. Бодалев А.А., Столин В.В. Общая психодиагностика. – М.: Речь, 2000.
7. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психологической диагностике. – СПб.: Питер, 2004.
8. Бурлачук Л. Психодиагностика – СПб.: Питер, 2002.
9. Возрастно-психологическое консультирование. Проблемы психического развития детей. – М.: Издательство МГУ, 1990.
10. Возрастно-психологический подход в консультировании детей и подростков. / Под. ред. Г.В. Бурменская, Е.И. Захарова. – М.: Академия, 2002.
11. Выготский Л.С. Проблемы развития психики. – Москва: Педагогика, 1983.
12. Забрамная С.Д. Наглядный материал для психолого-педагогического обследования детей в медико-психологических комиссиях. – Киев. Радянська школа, 1988.
13. Кравцова Е.Е. Психологические проблемы готовности детей к обучению в школе. – Москва: Педагогика, 1991.
14. Лаак Я. Психодиагностика: проблемы содержания и методов. – Москва: Институт практической психологии, 1996.
15. Мамайчук И.И. Психологическая помощь детям с проблемами в развитии. – СПб.: Речь, 2001.
16. Никольская О.Н., Баенская Е.Р., Либлинг М.М. Аутичный ребёнок: пути помощи. – М.: Теревинф, 2000.
17. Новые исследования в психологии и возрастной физиологии. – Москва: Педагогика, 1982.
18. Ньюкомб Нора. Развитие личности ребенка. – СПб.: Питер, 2003.
19. Основы специальной психологии. Учебное пособие. / Под. ред. Л.В. Кузнецовой. – Москва: Академия, 2002.
20. Поваляева М.А. Коррекционная педагогика. Взаимодействие специалистов. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002.
21. Практикум по патопсихологии. / Под. редакцией Зейгарник Б.В. – Москва: Издательство МГУ, 1987.

22. Психолог в детском дошкольном учреждении. – Москва: Новая школа, 1996.
23. Психологическая диагностика детей и подростков. Учебное пособие для студентов. / Под. ред. К.М. Гуревича. – Москва: Международная педагогическая академия, 1995.
24. Психология детства. Практикум. / Под. ред. Реана А.А. – М.: Олма-пресс, 2003.
25. Раттер М. Помощь трудным детям. – Москва: Прогресс, 1987.
26. Семаго Н., Семаго М. Теория и практика оценки психического развития ребенка. – СПб.: Речь, 2005.
27. Семаго М.М., Семаго Н.Я. Организация и содержание деятельности психолога специального образования. – Москва: АРКТИ, 2004.
28. Семаго Н.Я., Семаго М.М. Проблемные дети: основы диагностической и коррекционной работы психолога. – Москва: АРКТИ, 2000.
29. Социальная педиатрия. Сборник научных работ. – Киев: Интермед, 2003.
30. Специальная психология. / Под. ред. В.И. Лубовского. – Москва: Академия, 2003.
31. Справочник по психологии и психиатрии детского и подросткового возраста / Под ред. Циркина С.Ю. – СПб.: Питер, 1989.
32. Урунтаева Г.А., Афонькина Ю.А. Практикум по детской психологии. – Москва: Владос, 1995.
33. Хрестоматия. Психология развития. – СПб.: Питер, 2001.
34. Шмелев А.Г. Основы психодиагностики. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996.
35. Зюмалла Розита. Обучение и сопровождение людей с аутизмом по программе ТЕАССН. – Минск: Общественное объединение «Белорусская ассоциация помощи детям-инвалидам и молодым инвалидам», 2005.
36. Ковалец И.В. Социальные адаптации детей с ранним аутизмом // Воспитание и обучение детей с нарушением развития. – №4. 2003. С 31-34
37. Лебединская К.С., Никольская О.С. Диагностика раннего детского аутизма. – Москва: Просвещение, 1991.
38. Нуриева Л.Г. Развитие речи у аутичных детей. – Москва: Теревинф, 2006.
39. Трофимович О.А. Диагностика и коррекция детского аутизма. – Минск: Народная асвета, 2003.
40. Шинкаренко В.А., Ковалец И.В. Ранняя диагностика отклонений в психофизическом развитии. – Минск: Народная асвета 2000.
41. Шипицина Л.М. Детский аутизм. Хрестоматия: учебное пособие для студентов высших и средних педагогических, психологических и медицинских учебных заведений. – Спб.: Дидактика Плюс, 2001.
42. Шоплер Э., Ланзид М., Ватерс Л. Поддержка аутичных и отстающих в развитии детей. – Минск: Открытые двери, 1997.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
 I бўлим. Аутизм ва унинг бола ривожланишга таъсири	
1.1. Аутизм синдроми ҳақида тушунча.....	6
1.2. Аутизмни келтириб чиқарадиган сабаблар.....	9
1.3. Аутизмга эга бўлган болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	11
Аутизм синдромига эга бўлган болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (қийёсий таҳлил).....	13
 II бўлим. Болаларда аутизм билан боғлиқ нуқсонларни бартараф этиш	
2.1 Аутизмга эга бўлган болаларнинг нуқсонларини бартараф этиш методикалари.....	19
2.2. Аутизмга эга бўлган болаларнинг нуқсонларини бартараф этиш бўйича педагогик тавсиялар.....	32
Хулоса.....	35
Фойдаланилган адабиётлар.....	37

илмий нашр

Мўминова Л.Р.

**АУТИЗМ: САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ
МЕТОДИКАЛАРИ**

услубий қўлланма

Мухаррир: Тўрахўжаева Ш.

Бадий муҳаррир: Сайфуллаева Л.

Техник муҳаррир: Ли А.

Мусаҳҳиҳ: Жалолов Д.

Компьютерда саҳифаловчи: Кисёлев И.

Нашриёт лицензияси: АИ № 271. 15.07.2015 й. да берилган.

Босишга рухсат этилди: 22.12.2015 й.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,61. Шартли босма т.: 2,33.

Times New Roman гарнитураси.

Адади: 150 нусха.

Буюртма 113

«Spectrum Media Group» МЧЖ нашриётида босмага тайёрланди
ва босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.

Тел.: (+998 71) 276 89 28

e-mail: smg-print@mail.ru

ISBN 978-9943-4575-8-4



9 789943 457584